



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



«ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ЕЧИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ»

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари

ЕИ ERASMUS+ дастурининг «MAGNET – Университетлар
Ўзбекистонда ўрта ёш аҳолини ўқитиш ва касбага тайёрлаш
марказларининг асосий ҳамкори» лойиҳаси доирасида

Materials of the international scientific-practical conference

«STRENGTHENING THE ROLE OF UNIVERSITIES IN SOLVING THE PROBLEMS OF THE UNEMPLOYED POPULATION IN THE CONTEXT OF MARKET REFORMS IN UZBEKISTAN»

within the framework «MAGNET – University as a key partner of
NETwork for vocational educational training centers of Middle Age
Generation in Uzbekistan» project ERASMUS+ programme of the EU

Материалы международной научно-практической конференции

«УСИЛЕНИЕ РОЛИ УНИВЕРСИТЕТОВ В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ НЕЗАНЯТОГО НАСЕЛЕНИЯ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНЫХ РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ»

в рамках проекта «MAGNET – Университеты как ключевой партнёр
центров обучения и профессиональной подготовки населения
среднего возраста в Узбекистане» программы ЕС ERASMUS+



February 11-12, 2019, Ferghana, Uzbekistan

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА БАНД БЎЛМАГАН
АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ЕЧИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
РОЛИНИ ОШИРИШ»**

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари

ЕИ ERASMUS+ дастурининг «MAGNET – Университетлар Ўзбекистонда ўрта ёш аҳолини ўқитиш ва касбга тайёрлаш марказларининг асосий ҳамкори» лойиҳаси доирасида

Materials of the international scientific-practical conference

**«STRENGTHENING THE ROLE OF UNIVERSITIES IN SOLVING THE PROBLEMS OF
THE UNEMPLOYED POPULATION IN THE CONTEXT OF MARKET
REFORMS IN UZBEKISTAN»**

within the framework «MAGNET – University as a key partner of NETwork for vocational educational training centers of Middle Age Generation in Uzbekistan» project ERASMUS+ programme of the EU

Материалы международной научно-практической конференции

**«УСИЛЕНИЕ РОЛИ УНИВЕРСИТЕТОВ В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ НЕЗАНЯТОГО
НАСЕЛЕНИЯ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНЫХ РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ»**

в рамках проекта «MAGNET – Университеты как ключевой партнёр центров обучения и профессиональной подготовки населения среднего возраста в Узбекистане» программы ЕС ERASMUS+

«Ўзбекистонда бозор ислохотлари шароитида банд бўлмаган аҳоли муаммоларини ечишда олий таълим муассасалари ролини ошириш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Фарғона: ФарДУ, 2019. – 270 бет.

Мазкур тўплам Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасидаги «MAGNET – Университетлар Ўзбекистонда ўрта ёш аҳолини ўқитиш ва касбга тайёрлаш марказларининг асосий ҳамкори» лойиҳаси доирасида тайёрланган ва лойиҳанинг молиявий маблағлари ҳисобидан нашр этилган.

Тўпламга киритилган илмий мақола ва тезисларнинг мазмуни, ундаги маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар ва мақолалар Европа Комиссияси нуктаи-назарини ифода этмайди.

Materials of the international scientific-practical conference on theme **«Strengthening the role of universities in solving the problems of the unemployed population in the context of market reforms in Uzbekistan»**. – Ferghana: FSU, 2019. – 270 p.

Publication is financed and published by the «MAGNET - universities as key partner centers for education and vocational training of the middle-aged population» project in the frame of ERASMUS+ program of European Union.

Maintenance of the given material is a subject of responsibility of authors and does not reflect opinion of the European Commission.

Материалы научно-практической конференции на тему **«Усиление роли университетов в решении проблем незанятого населения в условиях рыночных реформ в Узбекистане»**. – Фергана: ФерГУ, 2019. – 270 стр.

Сборник материалов подготовлен в рамках проекта «MAGNET – Университеты как ключевой партнёр центров обучения и профессиональной подготовки населения среднего возраста» программы ERASMUS+. Публикация материалов профинансирована проектом.

Содержание данного материала является предметом ответственности авторов и не отражает точку зрения Европейской Комиссии.

Масъул муҳаррир: А.А.Ўринов

Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Б.Саттарова, О.Э.Ахунова, Д.А.Чилматова, С.Я.Исмоилова, Д.А.Ўринов, Ғ.Рахматов, Ш.Э.Абдуллаева, А.А.Орипов.

© Фарғона давлат университети, 2019

ОТАКУЛОВ М.

Проблемы трудоустройства выпускников аграрного университета за счет организации мини мобильных технологий..... 192

ЎРИНОВ А.А., САТТОРОВА Х.Б., ХАДЖАЕВА Ю.М., ДАДАБОЕВА Ф.Ю.

Инфраструктура соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг хориж тажрибаси..... 194

ЁКУБОВ Т.Г., ХОЛМАТОВ С.Х.

Использование интернета в качестве эффективного инструмента маркетинга предприятий 197

АНМАДЖОНОВА Ш.Н., АНМАДЖОНОВА М.Ж.

The importance of listening skills in modern english and problems of linguodidactics 199

ИСРОИЛЖОНОВ С., БОБОЖОНОВ Н.

Спортчи юрагининг энергетик потенциали ва чидамлилиги ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш 200

6-шўъба. АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ОРҚАЛИ ҚўШИМЧА ИШ ўРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ йўллари

ЮСУПОВ Б.Т., АСҚАРОВ Н.И.

Қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида кластерларни шакллантириш ҳамда бандликни таъминлаш истиқболлари..... 202

ОНАРҚУЛОВ К., РАҲМАТОВ Ғ.

Мева ва сабзотларни қуритишда инфрақизил нурланиш ёрдамида самарадорлигини ошириш усуллари..... 204

ДОДОБОВ Ю.Т., АСҚАРОВ Н.И.

Агросаноат мажмуасида кластерни шакллантириш ва қишлоқда бандлик даражасини ошириш йўллари..... 205

ХУДОЙБЕРДИЕВ У., АБДУРАИМОВ У.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тадбиркорликни йўлга қўяди, аҳолини иш билан таъминлайди 208

NOSIROV B., ABDUMOMINOV A.

Fermer xo'jaligini modernizatsiyalash va istiqbolli rivojlantirish 211

ТАДЖИБАЕВ З., МҮЙДИНОВ М.

Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари 213

АРЗУОВА Ш.А.

Развития инновационных процессов в агропромышленном комплексе 216

НОСИРОВ Б., ХАКИМОВ А.

Фермер хўжалигини кўп тармоқли ҳолда ривожлантириш 218

ЭРГАШЕВ А.А., АБДУМУМИНОВ А.А.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиklarини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 220

ШЕРМАТОВ О.

Пахтачиликда инновацион технологиялар: кластер тизими – юқори даражадаги иқтисодий самарадорлик гарови 222

ХОЛМАТЖОНОВА Г., МАННОПОВА М.

Кластер пахтачилик ва тўқимачиликнинг локомотивиди 224

МҮЙДИНОВ Э., МҮЙДИНОВ М.

Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерини ривожлантириш 225

ХОЛМАТОВ Б.

Агросаноат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш 227

ШЕРМАТОВ О.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш асосида ишлаб чиқарувчилар даромадларини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари..... 230

ҚОБУЛОВА М.

Фермер хўжалиklари ривожланишида инсон капиталининг аҳамияти 232

МАҲМУДОВ А.А., МАШРАПОВ А.Т., МАМАДАЛИЕВ Д.А.

Фарғона водийсининг тош-шағалли ерлари шароитида шафтоли боғларини парваришлашнинг уйғунлашган усули..... 233

МАМАЖОНОВ А.Т.

Фермер хўжалиklарида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва таннарх таҳлилининг назарий асослари 236

НОСИРОВ Б.З., РАҲМОНОВА Б.С.

Янги шароитда фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари..... 238

МАМАЖОНОВ А.

Фермер хўжалиklарида маҳсулот таннархи таҳлилини ташкилий асослари 240

ЎРИНОВ А.А., ХАДЖАЕВА Ю.М., ДАДАБОЕВА Ф.Ю.

«Ўзгартирувчи» инвестицияларни молиялаштириш усуллари жорий этишда хориж тажрибаси 242

СОИПОВ С.

Қишлоқ хўжалигида кластер ёндашув орқали аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари 245

МИРЗАИТОВА М.К., ДЕҲҚОНОВА Д.К.

Қулупнойни етиштиришда ун шудрингнинг таъсири..... 246

РАҲМАТОВ Ғ., НУРМАТОВА З., РАХИМОВА Л.

Қайта ишлаш маҳсулот ва муҳитлар таъсирлашувининг самарадорлиги натижасидир..... 248

КУРБОНОВ Ж., КУРГАНОВ Ҳ. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларнинг асосидир.....	249
РАҲМОНОВА Б. Ўзбекистонда ёнғоқ индустриясини ривожлантириш.....	251
МАННОПОВА М.С. Аграр соҳада кластер тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари	253
САЛАЙДИНОВ А. Республикада лимончилик соҳасини ривожлантириш имкониятлари.....	255
ҚОБУЛОВА М.Ё. Аграр соҳа барқарор ривожланишида фермер хўжаликларининг тутган ўрни	257
ИМИНОВ И., ЮЛДАШЕВ Р. Хандон писта (<i>Pistacia Vera</i>)ни етиштириш	258
ИМИНОВ И., ДАМИНОВ Ҳ. Томорқа ерларидан унумли фойдаланиш – долзарб масала.....	260
ОЧИЛОВ Ж. Аграр соҳада замонавий техника ва технологияларни қўллашнинг аҳамияти	262
РАҲМАТОВ Ғ., ХАКИМОВ Н. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳасидаги инновацион технологиялар	263
РАҲМОНОВА Б.С., НОСИРОВ Б.З. Фермер хўжаликларига янги инновацион техника ва технологияларни қўллаш жараёнида менежерларнинг аҳамияти	264
ИСКАНДАРОВ С.Т., АСРАНОВ А.Х. Мамлакатимизда иссиқхона сабзавотчилигини ривожлантириш имкониятлари.....	266
МАҲМУДОВ А.А., МАШРАПОВ А.Т., МАМАДАЛИЕВ Д.А. Фарғона водийсининг унумдорлиги паст ерларида ўрикзорларни янги навлар билан бойитиб бориш истиқболлари.....	268

FERMER XO'JALIGINI MODERNIZATSIYALASH VA ISTIQBOLLI RIVOJLANTIRISH

*Nosirov B. – dotsent, ToshDAU Andijon filiali,
Abdumo'minov A. – o'qituvchi, ToshDAU Andijon filiali*

Annotatsiya

Maqolada modernizatsiyalashning mohiyati, ahamiyati, qishloq xo'jaligida ishlab chiqarishni modernizatsiyalash yo'llari, fermer xo'jaligini istiqbolli rivojlantirishning ayrim muammolari va ularni yechimlari tahlil etiladi.

Аннотация

В статье анализируются сущность, значение модернизации, пути модернизации производства в сельском хозяйстве, некоторые проблемы перспективного развития фермерских хозяйств и пути их решения.

Annotation

In the article are analyzed the essence, significance of modernization, the ways of modernization of production in agriculture, some problems of perspective development of farms and their solutions.

Fermer xo'jaligi rivojlangan agrar industrial mamlakatlarning ko'p yillik tajribalarida o'zining samaradorligi, raqobatbardoshligi, bozor konyunkturasiga tez moslasha olishi kabi xususiyatlarini to'la namoyon etdi. Shunga ko'ra, O'zbekistonda ham fermer xo'jaliklarining rivojlanishiga katta e'tibor qaratilib, ular faoliyatining zarur iqtisodiy shart-sharoitlari yaratildi, me'yoriy-huquqiy asoslari ishlab chiqildi. Hozirgi kunda Respublikamizda yaratilayotgan yalpi ichki mahsulotning 17,4 foizga yaqini, oziq-ovqat mahsulotlarining 85 foizdan ko'prog'i qishloq xo'jaligida yaratilmoqda. Davlat miqyosidagi jami valyuta tushumining salmoqli qismi qishloq xo'jalik mahsulotlarini eksport qilish hisobiga olinmoqda. Kelajakda fan-texnika taraqqiyotiga, ilg'or texnologiyalarga asoslangan qayta ishlash sanoatining yuksalishi, aholi sonining o'sishi, tashqi bozor talabining o'zgarishi ekologik talablarga javob beradigan qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirish jarayonlari yanada rivojlantirilishini obyektiv ravishda taqozo etmoqda. Shuning uchun ham tarmoqni rivojlantirish va samaradorligini yuksaltirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizda, horijiy davlatlar tajribasini chuqur o'rgangan holda, qishloq xo'jaligini iqtisodiy isloh etish bo'yicha o'ta muhim chora-tadbirlarning amalga oshirilayotgani, qishloqda bozor munosabatlarini joriy etish va xususiy mulkchilik shaklini rivojlantirish, fermerlik harakatini qo'llab-quvvatlash uchun huquqiy, tashkiliy hamda moliyaviy shart-sharoitlarni tug'dirib berish bunday yuksak natijalarni qo'lga kiritishda hal qiluvchi omil bo'lmoqda.

Bugungi kunda fermer xo'jaligi haqli ravishda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining yetakchi bo'g'iniga, uni tashkil etishning asosiy shakliga aylandi. Hozirgi vaqtda fermerlik harakati o'z tarkibida 68 mingdan ziyod fermer xo'jaligini birlashtirmoqda. Mamlakatimizdagi jami haydaladigan yerlarning 85 foizdan ortig'i, yetishtiriladigan qishloq xo'jaligi mahsulotlarining asosiy qismi aynan fermerlar hissasiga to'g'ri kelmoqda.

Fermerlarimizning ongu tafakkurida o'z yeri va ishlab chiqarayotgan mahsulotiga nisbatan egalik hissiyoti yildan yilga tobora mustahkamlanib, ularning o'z mehnati natijasidan manfaatdorligi oshib

bormoqda. Eng asosiysi-odamlarimizning ongi va dunyoqarashi tubdan o'zgarimoqda, bebaho boyligimiz bo'lgan yer va suv resurslaridan samarali hamda oqilona foydalanish uchun mas'uliyat tuyg'usi kuchaymoqda.

Fermer xo'jaliklarini ko'p tarmoqli holda istiqbolli rivojlantirish maqsadida yerdan uzoq muddatli (30-50 yillik) ijara asosida foydalanishning iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlarini chuqur o'rganish talab etilmoqda. Chunki mahsulot yetishtirish uchun zarur bo'lgan mineral o'g'itlar, yoqilg'i, texnik servis xizmatlari kabi moddiy-texnika resurslarining baholari erkin narxlar tufayli yuqori darajada o'sib ketmoqda. Bu esa yerdan foydalanib, qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtiruvchilarga noqulay bo'lgan nomutanosibliklarni keltirib chiqarmoqda. Yalpi hosil miqdorini yanada ko'paytirish orqali 1 gektar maydondan olingan mahsulot tannarxini kamaytirish va samaradorlikni oshirish-bugungi kunning dolzarb muammolaridan biridir.

Paxta-g'alla yo'nalishidagi fermer xo'jaliklarini iqtisodiy jihatdan rivojlantirish maqsadida ko'p tarmoqli xo'jaliklarga aylantirish bo'yicha oxirgi yillarda bir qator ishlar amalga oshirildi. Endilikda qo'shimcha tarmoq sifatida sabzavotchilik, bog'dorchilik, parrandachilik, asalarichilik kabi sohalarda ham faoliyat yuritib, daromad va sof foyda darajasini ancha oshirishga erishgan ko'plab fermer xo'jaliklarni misol keltirish mumkin. Jumladan, Baliqchi tumanining o'zida qo'shimcha uzumchilik bilan shug'ullanish uchun 18 ta, sabzavot va poliz uchun 18 ta, servis xizmatlari va ishlab chiqarishni rivojlantirish uchun 19 ta, go'sht va sutni qayta ishlash bo'yicha 2 ta, qoramolchilikni rivojlantirish bo'yicha 6 ta, parrandachilik bo'yicha 2 ta, baliqchilik bo'yicha 2 ta, asalarichilik bo'yicha 2 ta fermer xo'jaliklarida loyihalar boshlangan. Ammo bu yangilikni joriy qilishda ham hali bir qancha o'z yechimini kutayotgan savollar va muammolar mavjud.

Qishloq xo'jaligini bozor iqtisodiyoti qonunlari talablari darajasida rivojlantirish uchun tarmoqda erkin faoliyat ko'rsatish imkoniyatiga ega bo'lgan fermer va dehqon xo'jaliklari va ular o'rtasidagi erkin bozor munosabatlarining nazariy, uslubiy asoslarini teranlashtirish, takomillashtirish, investitsiyalarni ko'proq jalb etib, fan-texnika

yutuqlarini, yangi texnikalarni, ilg'or texnologiyalarni ishlab chiqarishga joriy etish, cheklangan yer va suv resurslaridan, doimiy va o'zgaruvchi kapitaldan hamda mehnat resurslaridan qisqa va uzoq muddatlarda to'liq va samarali foydalanish yo'llarini aniq belgilash, barcha xarajatlarni tejash, mehnat unumdorligini yuksaltirish, ishchi-xizmatchilarni rag'batlantirish tizimini takomillashtirish negizida foyda summasini ko'paytirish yo'llarini asoslangan holda belgilab olish maqsadga muvofiqdir. Bu masalalarning ilmiy hamda amaliy asoslarini yaratishda, rivojlantirishda, ularni ishlab chiqarishga joriy etishda qishloq xo'jaligining o'ziga xos, xalqimizning milliy xususiyatlarini e'tiborga olish zarur.

Ma'lumki, modernizatsiyalash iqtisodiyotning hech bir soha yoki tarmog'ini chetlab o'tmaydi. S hunga ko'ra, qishloq xo'jaligini modernizatsiyalashning ham bir qator o'ziga xos mazmun-mohiyati mavjud:

1. Qishloq xo'jaligini modernizatsiyalash-ushbu sohani ilm-fanga va yuqori texnologiyalarga asoslangan industrial sohaga aylantirishdir.

2. Modernizatsiyalash jarayoni nafaqat qishloq xo'jaligiga yangi texnika va texnologiyalarning joriy etilishini, balki axborot resurslarini qayta ishlab, innovatsiyalarga aylantira olishga qodir bo'lgan sifat jihatidan yangi kadrlarning shakllanishini ham taqozo etadi.

3. Modernizatsiyalash innovatsion jarayon bilan o'zaro uzviy bog'langan bo'lib, uning samaradorligi innovatsion texnologiyalarning qo'llanilishi darajasiga bevosita bog'liqdir.

Iqtisodiyotni modernizatsiyalashning pirovard natijasi mamlakatning dunyo iqtisodiy rivojlangan davlatlari qatoriga qo'shilishi maqsad qilinadi. Bunda har bir soha va tarmoqning muhim o'rnini bor. SHundan kelib chiqqan holda qishloq xo'jaligini ham modernizatsiyalash zarur. Buning uchun quyidagilarni amalga oshirish lozim:

1. Ishlab chiqarishga yangi texnika va texnologiyalarni joriy etish;

2. Axborot resurslarini qayta ishlashga qodir bo'lgan sifat jihatdan yangi va yuqori malakali kadrlarni shakllantirish;

3. Yerning meliorativ holatini yaxshilash va tuproq unumdorligini oshirish;

4. Ishlab chiqarish resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish;

5. Tarmoq raqobatbardoshligini oshirish;

6. Tarmoqning barqaror rivojlanishini ta'minlash;

7. Ishlab chiqarish samaradorligini optimal darajaga ko'tarish;

8. Mamlakatning qishloq xo'jaligi xom-ashyosiga va aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojlarini to'la qondirish.

Qishloq xo'jaligining asosiy tarmoqlaridan biri dehqonchilik hisoblanadi. Bu tarmoqda ko'plab

sanoat xom-ashyolari va aholi hamda eksport uchun oziq-ovqat mahsulotlari yetishtiriladi. SHuning uchun ham dehqonchilikni modernizatsiyalash muhim hisoblanadi. Uning asosiy omillari quyidagilardan iboratdir:

1. Yangi texnika va samarali texnologiyalar;
2. Malakali xodimlar va ularning ushbu jarayon bo'yicha ko'nikmalari;

3. Sug'oriladigan yerlarning unumdorligi va irrigatsiya melioratsiya jihatidan holati;

Modernizatsiyalashning yakuniy samaradorligi oxir oqibatda o'z aksini sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatining yaxshilanishi asosida tuproq unumdorligining oshishida topadi.

Bir qator rivojlangan davlatlar singari O'zbekistonda ham fermer xo'jaliklari qishloq xo'jaligining birlamchi, asosiy bo'g'ini hisoblanadi. Respublikamizda yetishtirilayotgan oziq-ovqat mahsulotlarining kattagina qismi, xususan donli ekinlar, shuningdek strategik muhim sanoat xom-ashyolarining asosiy qismi aynan fermer xo'jaliklari hissasiga to'g'ri keladi. SHuning uchun ham fermer xo'jaliklarini modernizatsiya qilish nafaqat yurtimiz qishloq xo'jaligida balki, iqtisodiyotida ham muhim ahamiyatga ega.

Qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirishni ko'paytirish, aholini iste'mol mollari bilan ta'minlash, moddiy resurslardan samarali foydalanish, tuproq unumdorligini oshirish, tejamkor texnologiyalarni amaliyotga joriy etish, atrof-muhit va ekologiyani yaxshilash fermer xo'jaligining asosiy vazifasi hisoblanadi. Hozirgi kunda hukumat tomonidan shu sohani rivojlantirishga asosiy e'tibor berilib, qator qonun va qonun osti hujjatlari qabul qilinib, amaliyotga keng joriy etilmoqda. Ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklari ham huddi shunday tartibda tashkil etiladi. Lekin ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklarining fermer xo'jaliklaridan farqi bor. Ya'ni fermer xo'jaliklari faqat o'simlikchilikka ixtisoslashgan bo'lsa, ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklari ham o'simlikchilikka ham chorvachilikka ixtisoslashgan hamda o'zi yetishtirgan mahsulotni qayta ishlash xususiyatiga ega bo'lgan xo'jalik yurituvchi subyektdir. Masalan, qishloq xo'jaligi alohida soha hisoblanadigan bo'lsa, uning asosiy tarmoqlari sifatida o'simlikchilik va chorvachilik yo'nalishlari qabul qilingan. Har bir tarmoq o'z o'rnida yana kichik tarmoqlarga bo'linib boradi.

Odatda tarmoq so'zi iqtisodiy nuqtai-nazardan yagona bir soha doirasida amal qiladigan ammo, ishlab chiqarishning biron bir tugallangan, alohida mahsulot yetishtirish maqsadlariga bo'ysundirilgan yo'nalishiga aytiladi. Bunda ko'pincha asosiy va qo'shimcha tarmoqlar ajratib olinadi. Ko'p tarmoqli fermer xo'jaligining asosiy tarmog'i sifatida-fermer xo'jaligi tashkil etilishi paytida yer uchastkalarini uzoq muddatli ijaraga olish shartnomasida belgilangan asosiy ixtisoslashuv yo'nalishi qabul qilinadi.

структуры, реализующие права государства на интеллектуальную собственность. Необходимо определить государственные приоритеты и выбрать наиболее оптимальную модель рынка научно-технической продукции АПК, отвечающую интересам всех субъектов рынка.

Таким образом, инновационное развитие агропромышленного сектора экономики путем всесторонней его государственной поддержки

становится приоритетным направлением аграрной политики республики. При этом преимущественное использование экономических рычагов создаст благоприятную конъюнктуру для обеспечения устойчивого функционирования агропромышленного комплекса и формирования эффективной инновационной системы.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ КЎП ТАРМОҚЛИ ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ

*Носиров Б. – доцент, ТошДАУ Андижон филиали,
Хакимов А. – доцент, ТошДАУ Андижон филиали*

Аннотация

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш-асосий фаолият йўналиши бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида қўшимча равишда иқтисодийнинг бошқа соҳаларидаги хўжалик юритиш субъектларида ишлаб чиқарилаётган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, шунингдек, турли йўналишларда таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини ташкил этган ҳолда, ўз даромадини қўшимча молиявий манбалар асосида барқарор кўпайтиришни таъминлашга қаратилган фаолияти ҳам ҳисобланади.

Аннотация

Создание дополнительных секторов в фермерских хозяйствах - организация деятельности по хранению, переработке и упаковке сырья и полуфабрикатов, а также поставка и сервисное обслуживание в различных направлениях, помимо сельскохозяйственной продукции, это также деятельность, направленная на обеспечение постоянного увеличения доходов от дополнительных финансовых источников.

Annotation

The creation of additional sectors in farms - the organization of activities for the storage, processing and packaging of raw materials and semi-finished products, as well as supply and service in various areas, in addition to agricultural products, is also aimed at ensuring a constant increase in income from additional financial sources.

Юртимизда қишлоқ хўжалигида тармоқни ривожлантириш учун кенг кўламда ислохотлар олиб борилмоқда ва бу жараёнида бозор муносабатлари босқичма босқич шаклланиб, давлат буюртмаси ўрнатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тури аста-секин қисқариб борди. Ҳозирги кунда фақат пахта ва ғалла маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун етиштириш тартиби ўрнатилган. Мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда иқтисодий эркинлик таъминланган бўлиб, фермер хўжаликлари ўзи учун манфаатдор бўлган ҳамкорга ихтиёрий асосда етказиб бериш мумкин. Эркин иқтисодий муносабатлар намунаси сифатида ерни узоқ муддатли ижарага олган фермер хўжаликлари бугунги кунда устувор ҳолда ривожланмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишининг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 68 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фермер хўжаликларини кўп тармоқли ҳолда истиқболли ривожлантириш мақсадида

ердан узоқ муддатли (30-50 йиллик) ижара асосида фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур ўрганиш талаб этилмоқда. Чунки маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган минерал ўғитлар, ёқилғи, техник сервис хизматлари каби моддий-техника ресурсларининг баҳолари эркин нархлар туфайли юқори даражада ўсиб кетмоқда. Бу эса ердан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ноқулай бўлган номутаносибликларни келтириб чиқармоқда. Ялпи ҳосил миқдорини янада кўпайтириш орқали 1 гектар майдондан олинган маҳсулот таннархини камайтириш ва самарадорликни ошириш-бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш бўйича охириги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Эндиликда қўшимча тармоқ сифатида сабзавотчилик, боғдорчилик, паррандачилик, асаларичилик каби соҳаларда ҳам фаолият юритиб, даромад ва соф фойда даражасини анча оширишга эришган кўплаб фермер хўжаликларни мисол келтириш мумкин.

Жумладан, Балиқчи туманининг ўзида қўшимча узумчилик билан шуғулланиш учун 18 та, сабзавот ва полиз учун 18 та, сервис

хизматлари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 19 та, ғўшт ва сутни қайта ишлаш бўйича 2 та, қорамолчиликни ривожлантириш бўйича 6 та, паррандачилик бўйича 2 та, балиқчилик бўйича 2 та, асаларичилик бўйича 2 та фермер хўжаликларида лойиҳалар бошланган. Аммо бу янгиликни жорий қилишда ҳам ҳали бир қанча ўз ечимини кутаётган саволлар ва муаммолар мавжуд.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўлларини асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, ҳалқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Бир қатор ривожланган давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигининг бирламчи, асосий бўғини ҳисобланади. Республикамизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг каттагина қисми, хусусан донли экинлар, шунингдек стратегик муҳим саноатхона-ашёларининг асосий қисми айнан фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларини модернизация қилиш нафақат юртимиз қишлоқ хўжалигида балки, иқтисодиётида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолини истеъмолмоллари билан таъминлаш, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тежамкор технологияларни амалиётга жорий этиш, атроф-муҳит ва экологияни яхшилаш фермер хўжалигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳукумат томонидан шу соҳани ривожлантиришга асосий эътибор берилиб, қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳам худди шундай тартибда ташкил этилади. Лекин кўп тармоқли фермер хўжаликларининг фермер хўжаликларидан фарқи бор. Яъни фермер

хўжаликлари фақат ўсимликчиликка ихтисослашган бўлса, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳам ўсимликчиликка ҳам чорвачиликка ихтисослашган ҳамда ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш хусусиятига эга бўлган хўжалик юритувчи субектдир. Масалан, қишлоқ хўжалиги алоҳида соҳа ҳисобланадиган бўлса, унинг асосий тармоқлари сифатида ўсимликчилик ва чорвачилик йўналишлари қабул қилинган. Ҳар бир тармоқ ўз ўрнида яна кичик тармоқларга бўлиниб боради.

Одатда тармоқ сўзи иқтисодий нуқтаи-назардан ягона бир соҳа доирасида амал қиладиган аммо, ишлаб чиқаришнинг бирон бир тугалланган, алоҳида маҳсулот етиштириш мақсадларига бўйсундирилган йўналишига айтилади. Бунда кўпинча асосий ва қўшимча тармоқлар ажратиб олинади. Кўп тармоқли фермер хўжалигининг асосий тармоғи сифатида-фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йўналиши қабул қилинади.

Пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида асосий тармоқ бу пахта ва ғалла етиштириш ҳисобланса, чорвачиликка асосланган фермер хўжаликларида асосий тармоқ ғўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш ҳисобланади. Ҳар бир йўналишда фермер хўжаликлари учун қонунларда аниқ ўлчамдаги ер майдонлари белгилаб қўйилган. Бу ер майдонларидан мақсадли фойдаланиш ҳам амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги-фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йўналишидан бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этиб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Айни пайтда қўшимча тармоқ турли йўналишларда бўлиши мумкин. Энг муҳими мавжуд қонунларимиз билан тақиқланмаган ва бошқа фермер хўжаликларига зарар келтирмайдиган ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) фаолияти бўлиши керак.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилганда, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда айрим йўналишларда фаолиятни йўлга қўйиш мумкин. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш-фермер хўжаликлари асосий фаолият йўналиши бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшимча равишда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги хўжалик юритиш субъектларида ишлаб чиқарилаётган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, шунингдек, турли йўналишларда таъминот ва хизмат кўрсатиш

соҳалари фаолиятини ташкил этган ҳолда, ўз даромадини қўшимча молиявий манбалар асосида барқарор кўпайтиришни таъминлашга қаратилган фаолияти ҳам ҳисобланади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари бугунги кунда ўйлаб топилган эмас балки, узоқ тарихга эга. Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги муҳим шартлардан бири бу – ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромади (соф фойда) ни ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир. Бу борадаги фермернинг фаолияти тўлиқ ихтиёрий ва фермер хўжалигининг хусусий манфаатларига бўйсунуши лозим. Фермер хўжалигининг оладиган фойдаси миқдорини ошириш-мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, илғор тажрибалар, аграр илм-фани ютуқларига таяниш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш соҳаларига инвестициялар жалб қилиш эвазига амалга оширилади.

Қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларнинг ўзида ортиқча нобудгарчиликларга йўл қўймасдан қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга чиқариб ҳамда қишлоқларда қўшимча иш жойлари яратиб, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ҳаёт фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшади.

Бу кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш асосида жамият кўрадиган наф ҳисобланади. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ фаолияти ҳисобига етиштирилган маҳсулотлар фермер хўжаликларининг ички истеъмолига йўналтирилиши ва шунингдек бозорга чиқарилиши ҳам мумкин. Лекин, иқтисодий жиҳатдан қўшимча тармоқ юқори товарлиқ даражасига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлантиришда қўйилган мақсад ва вазифаларга ҳам мос келади.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

*Эргашев А.А. – ўқитувчи, ТошДАУ Андижон филиали,
Абдумўминов А.А. – ўқитувчи, ТошДАУ Андижон филиали*

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, фермер хўжаликларининг ривожланиши учун давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар ўрганилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Аннотация

В статье изучено реформы, проводимые в аграрном секторе Узбекистана, созданные государством условия для развития фермерских хозяйств. Также были высказаны мнения и комментарии по улучшению государственной поддержки аграрного сектора.

Annotation

The article describes the reforms carried out in the agricultural sector of Uzbekistan, the conditions created by the state for the development of farms. Also there were expressed opinions and comments on improving state support of the agricultural sector.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустақкам озиқ-овқат базасини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгаллиги ҳамда мулкчиликнинг бошқа шакллариغا кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари

бузилишига йўл қўймаслик;

- уларнинг ички фаолиятига аралашувининг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

- даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

- илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- фуқоралар тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

- молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит

ЯНГИ ШАРОИТДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Носиров Б.З. – доцент, ТошДАУ Андижон филиали,
Рахмонова Б.С. – катта ўқитувчи, ТошДАУ Андижон филиали*

Аннотация

Мақолада ерни узоқ муддатли ижара асосида фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи хусусий мулкдорлар вакили бўлган фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш омилларидан самарали фойдаланиш имкониятлари таҳлил этилади.

Аннотация

В статье анализируются возможности продуктивного использования факторов производительности труда в хозяйствах, представленных частными собственниками, занимающимися сельскохозяйственным производством на условиях долгосрочной аренды.

Annotation

The article analyzes the opportunities for productive use of factors of labor productivity in farms represented by private proprietors engaged in agricultural production using long term leases.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шаклларининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллари аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллари асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, ҳалқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар ўзининг сезиларли натижаларини бериб, 2018 йил якунларига кўра Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 83,1 % қисми нодавлат секторига тўғри келмоқда. Шунга мос ҳолда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 81,2 % қисми нодавлат секторида меҳнат қилмоқдалар. Фермер хўжаликларида бевосита 1,9 млн кишидан зиёд меҳнат ресурслари ишламоқдалар (www.stat.uz).

Республикамиз эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши таъминланаётган йилларда мамлакат аҳолисининг ўртача сони бир йилда 310-320 минг нафарга ёки 1,3 фоизга ўсмоқда. Шу билан бирга sanoat корхоналари сони ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси субъектлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи умумиқтисодий муаммо сифатида илмий изланувчилар ва амалиётчилар томонидан ўрганиб келинган. Бироқ, мазкур изланишларнинг аксарияти иқтисодиёт субъектларининг ҳуқуқий-иқтисодий мустақиллиги таъминланмаган шароитда олиб борилган бўлиб, бу борадаги илмий ва амалий тақлифларни реал хўжалик юритиш шароитига материаллашуви учун етарли шарт-шароит бўлмаган ёки улар мавжуд сиёсий тизим характерига тўғри келмас эди. Эндиликда эса мавжуд илмий адабиётлардаги турли қарашлар ва концепцияларни ўрганиш асосида бозор иқтисодиёти шароитида рўёбга чиқиши мумкин бўлган янги изланишларни, қарашлар ва мулоҳазаларни илгари суриш заруриятга айланди.

Меҳнат унумдорлиги - ривожланиб боровчи кўрсаткичдир. У кўпгина сабаблар ва омиллар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Улардан бир хиллари меҳнат унумдорлиги ошишига ёрдам берса, бошқалари уни пасайтиришга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ва ўсишига меҳнат жараёни кечадиган шароит ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шарт-шароитлар қулай бўлса, у ёки бу омилнинг таъсир этишини кучайтиради ёки ноқулай бўлса, бу таъсирни заифлаштиради. Масалан, табиий-иқлим шароитлари ва фонд билан қуролланганлик даражаси фермер хўжалигидаги меҳнат натижаларига ва унинг унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилик шакллари билан боғлиқ бўлган ижтимоий шарт-шароитлар, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар бошқа тенг шароитда ҳам меҳнат унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин. Фермер

хўжалигида меҳнат унумдорлигининг даражасини баҳолашда албатта пахта ва ғалла етиштиришдаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашдан бошлаш керак деб ўйлаймиз.

Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг динамикасига кўпгина омиллар таъсир қилади. Омиллар деганда меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки сабаблар тушунилади. Улардан айримлари меҳнат унумдорлигининг ортишига ёрдам берса, бошқалари унумдорликнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Омилларнинг биринчи гуруҳига меҳнат воситаларининг самарасини ортиши, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнаткашлар ижтимоий гуруҳлари шароитининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар киради; иккинчи гуруҳи-табиий шароитларнинг ноқулай таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар, ижтимоий шароитдаги салбий элементларнинг таъсир кўрсатиши киради.

Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини агротехник, ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги массивда ва туманда ўз муносиб обрўсига эга. Фермер хўжалигининг барча ишчилари яқдил равишда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишини англаган ҳолда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришга интилоқдалар.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги таркибини ҳали талаб даражасидан анча паст эканлигини асослайди. Шунинг учун хўжалик раҳбарияти ишчиларни касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриши лозим. Фермер хўжалиги даражасидаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда унинг динамикасига таъсир этувчи омилларни қараб чиққанда, уларнинг ҳаммасини ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин.

Фермер хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ошириш омилларини ўз ички мазмуни ва моҳиятига кўра, учта гуруҳга бўлиш мумкин: моддий-техника, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий асоси фан, техника ва технологияни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Шунинг учун ҳам моддий-техника омиллари гуруҳини, одатда, етакчи ва қолган барча омилларни белгиловчи гуруҳ деб қаралади.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий-техника омилларига фан-техника тараққиётини узлуксиз ривожлантириш асосида

меҳнатнинг техника ва энергия билан таъминланишини ошириш киради. Қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш учун чопиқ ва транспорт тракторлари, уларнинг культиватор, плуг, чизел, ўғит солгич ва ариқ қазигич каби агрегатларининг, суғориш учун сув насослари ва лоток-ариқларнинг ҳамда буғдой ўриш учун комбайннинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Ниҳол фермер хўжалигида ҳозиргача чопиқ трактори ва культиватор агрегати, прицепп мавжуд.

Моддий-техника таъминотини яхшилаш учун юқоридаги агрегатлар ва комбайнни лизинг асосида олишга эришиш керак. Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш; бутунлай янги технологияларнинг яратилиши (улар ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишни таъминлайди ва жонли меҳнат сарфини кескин қисқартиради); ишлаб чиқаришга материал сарфланишининг пасайиши ва моддий ресурсларнинг тежалиши ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий-техника омилларига киради. Моддий-техника омиллари таъсири натижасида меҳнат унумдорлиги ортади ва маҳсулотнинг сермеҳнатлик даражаси пасаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир ташкилий омилларига фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан фойдаланиш учун кейинчалик кооперациялашуви; моддий-техника, энергия таъминоти, таъмирлаш хизмати кўрсатиш ва ҳоказолар катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари бизнес-режаларни такомиллаштириш; ишлаб чиқаришни ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлашни ташкил этиш; янги технологияларни ўз вақтида жорий қилиш; машиналар, механизмларни жорий ва капитал таъмирлашни таъмин этиш, шунингдек, фермер хўжалигида моддий-техника таъминотини тўғри ташкил этиш.

Барча ташкилий омиллар бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишнинг ягона тизимини ҳосил қилади. Улардан тўлиқ фойдаланмаслик, турли ташкилий камчиликларнинг мавжуд бўлиши асосан иш вақтидан фойдаланишда ўз таъсирини кўрсатади.

Ташкилий омиллар тизимида фермер хўжалигида кадрлар таркибининг яхшиланиши-бошқарув ходимлари сонининг нисбий қисқариши ва ходимлари умумий сонидан ишчилар салмоғининг ортиши муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бевосита фермер хўжалиги бошлигининг ўзи ҳам пахта етиштириш агротехник тадбирларини бажаришда қатнашиши керак. Ходимлари умумий сонидан ишчилар салмоғи қанчалик юқори бўлса, битта ходимга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий омилларини меҳнат фаолиятини ҳаракатлантирувчи кучи-муайян натижани қўлга киритишга бўлган қизиқишдир. У ўз навбатида ишлаб чиқариш иштирокчилари бўлган инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш қатнашчилари муайян меҳнат фаолияти натижасини қўлга киритишга интилиши билан бир қаторда етарли даражадаги меҳнат қобилиятига, ишбилармонлик ва шижоаткорлик каби зарур шахсий сифатларга эга бўлишлари, шунингдек, тадбиркор бўлишлари лозим.

Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларга қуйидагилар киради:

- меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик;
- ходимларнинг малака даражаси, уларнинг касбий тайёргарлиги сифати;
- меҳнатга муносабат ва меҳнат интизоми даражаси;
- меҳнат жамоалари ўз-ўзини бошқаришининг ривожланиши.

Пахта ва буғдой етиштиришнинг агротехник талабларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурияти объектив қонуният асосида ўсиб борадиган ишлаб чиқариш ҳаражатларини сарфлашни

тақозо этади. Шундай экан, ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулот миқдорини ҳаражатлардан юқорироқ даражада ўсиб боришига эришиш фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириб боришнинг асосий омилидир.

Маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини юксалтириш учун ишлаб чиқариш ва бошқариш ҳаражатлари тежалишини таъминлайдиган ишларни, тадбирларни оқилона амалга ошириш зарур. Бунинг учун меҳнатни оқилона ташкил этиш, ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш ва ташиш жараёнларини механизациялаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги техника, илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилишини изчиллик билан амалга ошириш керак.

Пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида хўжаликларда фаолият кўрсатаётган барча аъзоларнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини бозор талаблари асосида тубдан ўзгартириш лозим. Яъни, улар маҳсулот етиштириш, йиғиштириб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни вақтида, оқилона амалга оширишга алоҳида эътибор беришлари керак.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Мамажонов А. – катта ўқитувчи, ТошДАУ Андижон филиали

Аннотация

Ушбу мақолада фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархи таҳлилининг ташкилий масалалари кўриб чиқилган.

Аннотация

В данной статье были рассмотрены организационные вопросы анализа производства и себестоимости продукции в фермерских хозяйствах.

Annotation

In this article organizational issues of production analysis and production cost in farms.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, томорқа ерлари ва деҳқон хўжаликлари самарадорлигини оширишга қаратилган 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармони қабул қилинган. Ҳужжатда таъкидланишича, мазкур фармон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида қабул қилинган.

Республикада амалга оширилаётган бундай иқтисодий ислохотларнинг энг асосий

йўналишларидан бири бу бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий мақсади фойда олишдир. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларни такомиллаштириш, асосий ва айланма маблағлардан унумли фойдаланиш, унумсиз ҳаражатларни қисқартириш, ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Корхоналарда бу масалани ижобий ҳал этиш учун корхоналарнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш катта

автоматлаштирилган. Терможуфтлик шкафнинг қуриши жараёнидаги ҳароратни назоратга олган. Махсус ўлчамларда жойлаштирилган нурлатгичларнинг нурланиши ғаладонлардаги маҳсулотларни бир текис қуришини таъминлайди.

Бугланиш жараёнида иссиқ ҳавонинг юқорига табиий равишда кўтарилишига эжекторлар сабаб бўлган. Эжекторлар ёрдамида иссиқ ҳавонинг табиий юқорига кўтарилишидан фойдаланилади. Бунда буг оқимини тезлаштириш учун эжекция жараёни қўлланилади. Ушбу тизимнинг афзаллиги, уни ихтиёрий ўлчамдаги қуриш мосламаларида қўллаш мумкин ва бунда қурилманинг конструкциясини қайта ишлаш талаб этилмайди. Нурлатгичларнинг сони ва жойлашиш конфигурациясини тўғри танлаш зарур. Юқори самарадорликка шахмат усулида нурлатгичлар жойлашганда эришилади. Бунда тагликнинг юқори ва остки томонидан тенг тақсимланган нурланиш соҳалари ҳосил бўлади. Нурлатгичларнинг сони ва хом-ашё юзасига нисбатан жойлашиш баландлиги иккита ёнма-ён

нурлатгичдан чиқадиган тенг томонли учбурчакнинг учи тагликнинг хом ашёнинг тўлдириладиган қисми юзасида турадиган қилиб танланади. Остки томондан тушадигани эса тагликнинг остига мос келиши керак. Эжекторнинг формаси ва эгрилик бурчаги пастки эгилган томонининг проекцияси тагликнинг марказидан ўтадиган чизиққа тушиши шарт.

Топинамбур туганаги, наматак, олма ва нок меваларини сифатли қуриш жараёни синовдан ўтказилган, натижалар олинган. Топинамбур туганагини сомонча шаклда ва унинг қалинлигини 1.4-1.8 мм оралиғида қуриш тавсия қилинади. Қуриш шкафида бўлган 12 дона ғаладонларни қуриш жараёнида ўрнини алмаштириб туриш қуриш тезлигини оширади. Олма ва нок мевалари паррак шаклида 2-2.5 мм қалинликда қуриш самаралидир. Қуриш шкафининг экологик хавфсизлиги, унда қурилган маҳсулотларнинг ташқи кўриниши, таркиби 80-90 % сақланиши таъминланган. Қуриш жараёнида бир вақтнинг ўзиде маҳсулот стерилланади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ЖАРАЁНИДА МЕНЕЖЕРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Рахмонова Б.С. – катта ўқитувчи, ТошДАУ Андижон филиали,
Носиров Б.З. – доцент, ТошДАУ Андижон филиали*

Аннотация

Мақолада менежернинг вазифалари ва улар амалга ошириладиган вазиятлар таҳлил этилади. менежер фермер хўжалигининг ичидаги ва ташқарисидаги муносабатларни шакллантирувчи, фермер хўжалиги аъзоларини мақсадларга эришишга ундовчи, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи, фермер хўжалигининг вакили сифатида ҳаракат қилувчи раҳбар сифатида бўлади.

Аннотация

В статье анализируются задачи менеджера и обстоятельства, при которых они выполняются. Фермер будет менеджером, который формирует отношения внутри и за пределами хозяйства, поощряет членов фермы к достижению их целей, координирует их действия, выступает в качестве представителя.

Annotation

The article analyzes the tasks of the manager and the circumstances in which they are performed. The farmer will be the manager who shapes the relationships inside and outside the farm, encourages farm members to achieve their goals, coordinates their actions, acts as a representative.

Янги инновацион техника ва технологияларни қўллаш жараёнида менежерлар фермер хўжаликларини бозор талабларига мос ҳаракат қилишига, истеъмолчилар талабини ҳисобга олиши, рақобат кураши услубларини ўзлаштириши, товарни сотиш ва силжитишда маркетинг инструментларини қўллаши, тижорат фаолиятида маркетинг стратегиясига таяниши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланишида менежерларнинг ўзига хос томонларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Чунки, менежерлар ўз касбларини назарий ва амалий асосларини чуқур билишлари тижорат хавф-хатарини ўз вақтида ҳис қилиш ва камайтиришга, унинг ҳар хил

муқобил турларини, вариантларининг энг мақбулини танлашга, рақобат шароитида бозорни юқори сифатли товар ва хизматлар билан тўйинтириш, доимий талаб мавжуд бўлган шароитда харидорларнинг турли гуруҳлари учун сотиш, нархини аниқлаш ва оқибатда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳозирда Ўзбекистон миллий иқтисодиётини, айниқса ҳудудий ишлаб чиқаришни, инвестициялар асосида модернизация қилиш шароитида кичик бизнесни инновациялар трансфери ва уни молиялаштириш механизмлари самарасини ошириш объектив заруратга айланди. Айнан бу борада ва инновацион ижтимоий-иқтисодий

ривожланиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “.....Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизни энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақазо этмоқда”⁷³.

Бу демак, мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналиши бўлиб фақат ишлаб чиқариш омиллари ва инвестициялар асосида иқтисодий ривожлантириш эмас, балки улар билан бирга кўпроқ инновация фаолияти фаоллигини ошириш асосида келажакда инновацион иқтисодиёт моделига ўтиш лозим. Бу моделнинг асосий мақсади миллий иқтисодиётнинг барқарор рақобатбардошлигини самарали технология ва инновациялар воситасида ошириш, инновацияларнинг ички ва ташқи бозорларини ривожлантириш ва уларга эркин чиқишни таъминлаш йўли билан импорт маҳсулот ўрнини эгаллаш ва экспортга йўналтирилган инновацион ривожланиш иқтисодиёти тизимига ўтишдир.

Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда умумҳалқ бойлиги бўлмиш ерни ижарага олган, бу ерга ўз мулки ва хизматини қўшган, замонавий техникага эга бўлган фермер хўжаликлари – нафақат қишлоқ хўжалигимизнинг асосий маҳсулотини ишлаб чиқарадиган, балки қишлоқнинг келажакини, тараққиётини ўз маъсулиятига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатдир. Ҳозирги шароитда замонавий фермер хўжаликлари раҳбарлари яъни менежерлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, катта вазифаларни ва масъулиятни ўз зиммасига олган кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириб бормоқдалар”.¹

Ҳар бир бўлажак бошқарувчи бошқарув соҳасининг назарий ва илмий-услубий жиҳатларини етарли даражада билиши лозим. Бу бошқарувчининг ҳар қандай вазиятларни чуқур таҳлил этиши, мавжуд муаммоларни ҳал этишда оқилона ёндашиши ва энг асосийси, ўз касбларининг асл мазмуни ва моҳиятини чуқур англаб олиши кабиларда намоён бўлади.

Менежер-бу бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи ва бозор шароитларида фаолият юритувчи ташкилот фаолиятининг маълум турлари бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатларга эга бўлган шахсдир. Менежерлар

фермер хўжалигида ҳар хил ўринларни эгаллайдилар (раҳбар, агроном, ишларнинг маълум турларининг ташкилотчиси, иқтисодчи ва ҳ.к.), жудаям бир хил бўлмаган масалаларни ечадилар, ҳар хил вазифаларни бажарадилар.

Фермер хўжаликларини менежерсиз ёки раҳбарсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки улар куйидаги вазифаларни бажарадилар:

➤ фермер хўжалигидаги алоҳида операциялар ўртасидаги алоқаларни ўрнатади;

➤ фермер хўжалигига раҳбарликни амалга оширади шу билан бирга обрўси, юқори касбий маҳорати ва ижобий ҳиссиётларидан фойдаланган ҳолда қўл остидагиларни ўзининг орқасидан олиб боришга қодир етакчи ролида бўлади;

➤ фермер хўжалиги фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда натижалари учун жавобгарликка эга бўлади;

➤ фермер хўжалигига тегишли бўлган шахслар ёки идораларнинг манфаатларини таъминлайди, унинг ташқи муҳит (ҳокимият, шериклар ва ҳ.к.) билан алоқаси бўйича асосий бўғин ролини бажаради;

➤ ҳозирги шароитлардаги ўз ўрнини тушунувчи, у ёки бу кашфиёт ёки "ноу-хау" ни баҳолашни билувчи ва уларнинг дарҳол ишлаб чиқариш (тижорат)га тадбиқ этувчи инноватор ролида бўлади;

➤ ғояни ишлаб чиқади, ундаги кучли ва заиф томонларини топади, муаммонинг моҳиятига қарашга, ҳақиқатгача суриштириб билишга интилади;

➤ қилинганларни таҳлил қилади, баҳолайди, ишларининг ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

➤ фермер хўжалигини ҳар хил тадбирларда номоён қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, менежернинг вазифалари ва улар амалга оширилаётган вазиятлар турли тумандир, шунга қарамасдан учта асосийларни ажратиш мумкин.

Биринчидан, менежер фермер хўжалигининг асосий вазифаларини белгилайди, ресурсларни тақсимлаш масалаларини ҳал қилади, жорий тузатишлар киритишни амалга оширади, бунда у қабул қилинган қарорнинг оқибатлари учун жавобгарликка эга бўлади. Шунинг учун менежер нафақат қарорнинг энг яхши вариантини танлаши, балки ўзи раҳбарлик қилаётган жамоани маълум йўналишга олиб боришга жазм қилиши керак.

Иккинчидан, менежер ички ва ташқи муҳит ҳақидаги ахборотларни тўплайди, уларни тарқатади ва ниҳоят фермер хўжалигининг

⁷³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. 2017 йил 7 декабрь.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту-икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015, 55-бет

мақсадларини тушунтириб беради. Менежернинг ишининг натижаси унинг қанча ахборотга эга бўлишига боғлиқдир.

Учинчидан, менежер фермер хўжалигининг ичидаги ва ташқарисидаги муносабатларни шакллантирувчи, фермер хўжалиги аъзоларини мақсадларга эришишга ундовчи, уларнинг ҳаракатларини

мувофиқлаштирувчи, фермер хўжалигининг вакили сифатида ҳаракат қилувчи раҳбар сифатида бўлади. У одамлар орқасидан боришга тайёр бўлган киши бўлиши керак.

Менежерлар бошқалардан кўра узоқни кўрадиган, бошқалардан чуқурроқ ўйлайдиган, мулоҳаза қиладиган ҳалқпарвар шахс бўлиши даркор.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИССИҚХОНА САБЗАВОТЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Искандаров С.Т., Асранов А.Х. – ТошДАУ Андижон филиали

Аннотация

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида янги инновацион технологияларни қўллаш ва модернизация қилиш усулларида фойдаланиш, иссиқхоналарни қуриш жараёнлари билан боғлиқ айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари акс эттирилган.

Аннотация

В данной статье рассмотрены применения и использования новых инновационных технологий и методов модернизации в сельском хозяйстве, были изложены некоторые проблемы, связанные с процессами внедрения теплиц, а также их решение.

Annotation

This article is about applying new innovative technologies in agriculture, some problems and issues concerned with green house implementation processes as well as their solution have been expressed.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб танланган агроиқтисодий сиёсат турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга, маҳсулот етиштириш даражасининг барқарор ўсишини таъминлашга ва ҳалқ турмуш даражасини яхшилашга қаратилди.

Аҳоли турмуш даражасини изчил ошириш йўлларида бири, аҳоли эҳтиёжини йил бўйи янги сабзавот маҳсулотлари билан қондиришдир. Аҳолини узлуксиз равишда сабзавотлар билан таъминлашда иссиқхоналарда маҳсулот етиштиришни ривожлантириш аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳозирги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иссиқхоналар майдонини кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз Президентининг 2008 йилнинг 28 ноябридаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони ва 2009 йилнинг 26 январидagi ПҚ-1047 - сонли “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизни янада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаларини тизимли, изчил ҳал этиш имконини бермоқда.

Ўз навбатида, иссиқхоналарни ривожлантиришга катта миқдорда молиявий маблағлар сарф этилиб, турли типдаги замонавий иссиқхоналар қурилмоқда. Ёпиқ майдонларда ишлаб чиқарилаётган сабзавот маҳсулотларини

кўпайиши ҳосилдорлиқнинг ошиши ҳисобига эмас, балки экин майдонларининг кенгайтириши ҳисобига юз бермоқда. Шу сабабли иссиқхоналарда сабзавот экинлари етиштирувчи фермер хўжаликлари олдидаги асосий вазифа ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали иссиқхоналарни замонавий талабларга мослашган ҳолда кам харажатли ва юқори иқтисодий самарага эришишдан иборат бўлмоғи лозим.

Фермер ва деҳқон хўжалиқларида ҳар хил типдаги иссиқхоналарда сабзавот экинлари етиштиришни қиёсий-нисбий иқтисодий баҳолашнинг асосий мақсади экилган майдонларнинг ҳар 1м²дан олиш мумкин бўлган соф фойда миқдорини, уларнинг рентабеллиги ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш асосида қилинган харажатларни қоплаш муддатларини асослаб беришдир. Амалда ойнаванд иссиқхоналарнинг капитал сиғими нисбатан юқори ҳисобланади. Энг замонавий иссиқхоналарнинг 1 м² майдонидан ўртача 35-40 кг помидор маҳсулотини олиш мумкин. Қуёш энергияси асосида иситиладиган плёнкали иссиқхоналар нисбатан арзон ҳисобланади, лекин плёнкаларни тез-тез (1 йилда 2 марта) алмаштириб туриш лозим. Улардан олинадиган маҳсулот 1 м² майдонга 10-12 кгни ташкил этади. Демак, ойнаванд иссиқхоналарни қуриш ва фойдаланиш, плёнкали иссиқхоналарга нисбатан иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади. Лекин уларни қуриш харажатлари юқорилиги сабабли фермер ва деҳқон хўжалиқларининг имкониятларини бир мунча чеклаб қўяди.

Иссиқхоналарда эртаки сабзавотлар ва очиқ майдон учун кўчат маҳсулотлари етиштирилади. Катта ҳажмда инвестиция сарфламасдан очиқ далага нисбатан 7-25 кун